



O'ZBEKISTON OVOZI

2014-yil, 27-dekabr. Shanba • 155 (31.902)

Ijtimoiy-siyosiy gazeta

1918-yil 21-iyundan chiqqan boshlagan

www.uzbekistonovozi.uz

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ҚАРОРИ

2015 йил 2 январь кунини дам олиш кунини деб эълон қилиш тўғрисида

Янги йил байрами муносабати билан аҳолининг дам олиши учун қулай шарт-шароитлар яратиш мақсадида 2015 йил 2 январь жума кунини дам олиш кунини деб эълон қилинсин.

Бошқа шароитларга кўра ишни тўхтатиб туриш мумкин бўлмаган жойларда, шунингдек, аҳолига хизмат кўрсатиш зарурати бўлган ҳолатларда ишлашга йўл қўйилсин.

Бажарилган ишлар учун компенсация ва ҳақ тўлаш Ўзбекистон Республикаси Меҳнат кодексининг 157-моддасига мувофиқ амалга оширилсин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти

И.КАРИМОВ

Тошкент шаҳри, 2014 йил 26 декабрь

Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссиясининг қарори

ЎЗБЕКISTON RESPUBLIKASI PREZIDENTI SAYLOVI B'YIUCHA SAYLOV KAMPANIYASI BO'SHLANISHINI E'ZLON QILISH T'UG'RISIDA

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 117-моддасига ҳамда «Давлат ҳокимияти вакиллик органларига ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг навбатдаги сайлови тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Конституциявий қонунининг 2-моддасига ва «Ўзбекистон Республикаси Президентининг сайлови тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонунининг 8-моддасига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси

ҚАРОР ҚИЛАДИ:
1. 2015 йил 29 март кунини Ўзбекистон Республикаси Президентининг сайлови кунини деб белгилансин.
2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг сайлови бўйича сайлов кампанияси 2014 йилнинг 26 декабридан бошланиши эълон қилинсин.
3. Сайловга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш бўйича тадбирларнинг тартиби, босқичлари ва

муддатлари ҳақидаги ахборотни сайловчилар, сиёсий партияларга белгиланган тартибда «Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссиясининг Ахборотномаси» ва бошқа оммавий ахборот воситаларида эълон қилиш йўли билан етказиш таъминлансин.

Марказий сайлов комиссияси Раиси

М. АБДУСАЛОМОВ

Тошкент шаҳри, 2014 йил 26 декабрь.

2015 йил 4 январда 22 сайлов округида такрорий овоз бериш ўтказилади

25 декабрь кунини Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси мамлакатимиз ва чет эл оммавий ахборот воситалари вакиллари учун Олий Мажлис Қонунчилик палатасига сайлов натижаларига бағишлаб брифинг ўтказди. Унда Марказий сайлов комиссияси раиси ўринбосари Светлана Ортиқова маълумот берди.



Фотурх АЛИЕВ олган суратлар.

Таъкидландики, Олий Мажлис Қонунчилик палатасига, халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашларига сайлов миллий сайлов қонунчилигига, очиклик, ошкоралик ва муқобиллик каби демократик тамойилларга мос ҳолда ўтказилди. Марказий сайлов комиссияси томонидан рўйхатга олинган 5 та халқаро ташкилот — Европада хавфсизлик ва ҳамкорлик ташкилотининг Демократик институтлари ва Инсон ҳуқуқлари бўйича бюроси, Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги, Шанхай ҳамкорлик ташкилоти, Бутунжаҳон сайлов органлари ассоциацияси ва Ислон ҳамкорлик ташкилоти миссияларининг сайлов якунлари бўйича хулосалари, шунингдек, хорижлик кузатувчиларнинг оммавий ахборот воситаларидаги чиқишлари ҳам бунини тасдиқлайди. Улар сайловчиларга конституциявий ҳуқуқларини амалга ошириш учун қулай шарт-шароит яратилганини алоҳида эътироф этишди.

Марказий сайлов комиссияси қонунга мувофиқ, парламент куйи палатасига сайлов якунларини кўриб чиққан. Сайлов округларида, шунингдек, Ўзбекистон экологик ҳаракатининг Конференциясида мазкур ҳаракатдан парламент куйи палатасига 15 нафар депутат сайланган.

Олий Мажлис Қонунчилик палатасига сайлов бўйича тузилган 135 та сайлов округидан 127 тасида битта депутатлик мандати учун 4 нафардан, 8 тасида 3 нафардан номзод кураш олиб борди.

Мамлакатимиз бўйича 20 миллион 789 минг 572 нафар сайловчи қайд қилинган бўлиб, сайловда уларнинг 18 миллион 490 минг 245 нафари ёки умумий сайловчиларнинг 88,94 фоизи қатнашди.

Маълумки, овоз бериш натижаларига кўра, 113 та сайлов округида Олий Мажлис Қонунчилик палатасига депутатлар сайланди. Уларнинг 47 нафари Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати — Ўзбекистон Либерал демократик партиясидан, 28 нафари Ўзбекистон «Миллий тикланиш» демократик партиясидан, 21 нафари Ўзбекистон Халқ демократик пар-

тиясидан ва 17 нафари Ўзбекистон «Адолат» социал демократик партиясидан сайланган.

«Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайлов тўғрисида»ги Қонунга мувофиқ, Ўзбекистон экологик ҳаракатининг Конференциясида мазкур ҳаракатдан парламент куйи палатасига 15 нафар депутат сайланган.

Сайланган депутатларнинг 33 нафари ҳуқуқ, 31 нафари иқтисодиёт, 26 нафари таълим, 21 нафари ишлаб чиқариш, 7 нафари тиббиёт, 3 нафари жамоат ташкилотлари, қолган 7 нафари эса бошқа соҳа вакиллари ҳисобланади. Депутатларнинг 43 нафари магистр, фан номзоди ва фан доктори каби илмий даражаларга эга. Сайланган 128 нафар депутатнинг 21 нафари хотин-қизлардир.

Депутатларнинг 38 нафари олдинги қаҳриқ Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлари бўлган.

Брифингда такрорий овоз бериш масаласи ҳақида ҳам атрафли ахборот берилди.

Маълумотга кўра, Олий Мажлис Қонунчилик палатасига сайлов бўйича 22 округда номзодлар сайланиш учун зарур овоз тўплай олмаган. Шунинг учун

Марказий сайлов комиссияси мазкур округларда 2015 йил 4 январь кунини такрорий овоз беришга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш бўйича қарор қабул қилган. Унга мувофиқ, Қорақалпоғистон Республикаси, Андижон, Бухоро, Жиззах, Навоий, Самарқанд, Сирдарё, Хоразм, Қашқадарё вилоятларида ҳамда Тошкент шаҳрида биттадан, Наманган, Тошкент вилоятларида иккитадан, Фарғона вилоятида учта, Сурхондарё вилоятида бешта сайлов округида такрорий овоз бериш ўтказилади.

Такрорий овоз беришда қатнашадиган депутатликка номзодларнинг 15 нафари Ўзбекистон «Миллий тикланиш» демократик партиясидан, 11 нафари Ўзбекистон Халқ демократик партиясидан, 9 нафари Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати — Ўзбекистон Либерал демократик партиясидан, 9 нафари эса Ўзбекистон «Адолат» социал демократик партиясидан.

Такрорий овоз беришда нисбатан кўпроқ овоз олган депутатликка номзод сайланган, деб ҳисобланади.

Гулрух ОДАШБОВА,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

БРИФИНГ

Ўзбекистон Республикаси Президентининг сайлови бўйича сайлов кампанияси бошланди

Кеча Марказий сайлов комиссияси мамлакатимиз ва чет эл оммавий ахборот воситалари вакиллари учун брифинг ўтказди. Унда Марказий сайлов комиссияси раиси Мирзо-Улукбек Абдусаломов 26 декабрда Марказий сайлов комиссиясининг йиғилиши бўлиб ўтгани ва мазкур йиғилишда қабул қилинган қарор ҳақида расмий ахборот берди.

Сайловга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш билан боғлиқ барча тадбирлар Марказий сайлов комиссияси, жойларда тузиладиган сайлов комиссиялари томонидан очик ва ошқора, Ўзбекистон Республикаси Конституцияси, сайлов тўғрисидаги қонунларга мувофиқ амалга оширилади.

Брифингда Марказий сайлов комиссиясининг қарорига асосан Ўзбекистон Республикаси Президентининг сайлови бўйича сайлов кампанияси бошлангани эълон қилинди.

Марказий сайлов комиссиясининг мажлисида Ўзбекистон Республикаси Президентининг сайловга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш бўйича асосий тадбирлар дастури ҳам тасдиқланган.

2015 йил 29 март, яқшанба кунини ўтказиш тўғрисида қарор қабул қилган.

Шу муносабат билан брифингда 2014 йилнинг 26 декабридан Ўзбекистон Республикаси Президентининг сайлови бўйича сайлов кампанияси бошлангани эълон қилинди.

Марказий сайлов комиссиясининг мажлисида Ўзбекистон Республикаси Президентининг сайловга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш бўйича асосий тадбирлар дастури ҳам тасдиқланган.

Тўлқин ТўРАХОНОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссиясининг қарори

ЎЗБЕКISTON RESPUBLIKASI OLIY MAJLISINING QONUNCHILIK PALATASIGA DEPUTATLAR SAYLOVI B'YIUCHA AYRIM SAYLOV OKRUGLARIDA TAKRORIY OVOZ BERISHNI O'TKAZISH T'UG'RISIDA

2014 йил 21 декабрда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси, Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси, вилоят, туман ва шаҳар давлат ҳокимияти вакиллик органларига сайловлар бўлиб ўтди.

Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасига депутатлар сайловини ўтказуви округ сайлов комиссияларининг округ бўйича сайлов натижаларини аниқлаш ҳақидаги баённомаларини кўриб чиқиб, 22 та сайлов округи бўйича депутатликка номзодлардан биронтаси ҳам сайланиш учун зарур бўлган овозларни тўплай олмаганини аниқлади.

Округ сайлов комиссияларининг тегишли қарорларини кўриб чиқиб, Ўзбекистон Республикасининг «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайлов тўғрисида»ги Қонуни 45-моддасига биринчи овоз бериш сайлов округи бўйича энг кўп овоз олган икки нафар номзод бўйича ўтказилди; такрорий овоз бериш асосий сайловни ўтказиш учун таш-

кил этилган сайлов участкаларида илгари тузилган сайловчиларнинг рўйхатлари асосида ҳамда Ўзбекистон Республикасининг «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайлов тўғрисида»ги Қонуни талабларига мувофиқ ўтказилади.

3. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасига депутатлар сайлови бўйича айрим сайлов округларида такрорий овоз беришга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш юзасидан тадбирлар дастури 2-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

4. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасига депутатлар сайловини ўтказувчи тегишли округ ва участка сайлов комиссиялари такрорий овоз беришни Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси, Ўзбекистон Республикасининг «Фуқаролар сайлов ҳуқуқларининг кафолатлари

тўғрисида»ги, «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайлов тўғрисида»ги қонунлари талабларига қатъий амал қилган ҳолда ўтказишни таъминлансин.

5. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатасига депутатлар сайлови бўйича такрорий овоз бериш учун бюллетенлар нашр этиш ва жойларга етказиб бериш билан боғлиқ ишлар Марказий сайлов комиссиясининг 2014 йил 15 ноябрдаги «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасига депутатлар сайлови бўлган участкаларда депутатлар сайловини ўтказуви тегишли округ ва участка сайлов комиссиялари такрорий овоз беришни Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси, Ўзбекистон Республикасининг «Фуқаролар сайлов ҳуқуқларининг кафолатлари

тўғрисида»ги, «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайлов тўғрисида»ги қонунлари талабларига қатъий амал қилган ҳолда ўтказишни таъминлансин.

6. Мазкур қарор оммавий ахборот воситаларида эълон қилинсин.

Марказий сайлов комиссияси Раиси

М. АБДУСАЛОМОВ

Тошкент шаҳри, 2014 йил 25 декабрь.

Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссиясининг қарори

ЎЗБЕКISTON RESPUBLIKASI OLIY MAJLISINING QONUNCHILIK PALATASIGA DEPUTATLARINI R'YIXATGA OLIISH T'UG'RISIDA

2014 йил 21 декабрда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси, Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси, вилоят, туман ва шаҳар давлат ҳокимияти вакиллик органларига сайловлар бўлиб ўтди.

Ўзбекистон Республикаси Конституцияси, «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайлов тўғрисида»ги Қонунга тўла мувофиқ равишда бўлиб ўтган сайловларда 18 490 245 нафар сайловчи ёки рўйхатга киритилган сайловчиларнинг 88,94 фоизи қатнашди.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатасига 2014 йил 21 декабрда ўтказилган сайлов натижалари ҳақида округ сайлов комиссияларининг баённомалари

ва Ўзбекистон экологик ҳаракати Конференцияси қарорига асосан Ўзбекистон Республикасининг «Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси тўғрисида»ги Қонунининг 5-моддаси, «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайлов тўғрисида»ги Қонунининг 11, 44, 48, 49-моддаларига муво-

фиқ Марказий сайлов комиссияси ҚАРОР ҚИЛАДИ:
1. 2014 йил 21 декабрда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатасига сайлов бўйича сайлов натижаларини аниқлаш ҳақидаги баённомаларини кўриб чиқиб, 22 та сайлов округи бўйича депутатликка номзодлардан биронтаси ҳам сайланиш учун зарур бўлган овозларни тўплай олмаганини аниқлади.

Округ сайлов комиссияларининг тегишли қарорларини кўриб чиқиб, Ўзбекистон Республикасининг «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайлов тўғрисида»ги Қонуни 45-моддасига биринчи овоз бериш сайлов округи бўйича энг кўп овоз олган икки нафар номзод бўйича ўтказилди; такрорий овоз бериш асосий сайловни ўтказиш учун таш-

Марказий сайлов комиссияси Раиси

М. АБДУСАЛОМОВ

Тошкент шаҳри, 2014 йил 25 декабрь.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасига ЎзХДПдан сайланган депутатлар рўйхати

№	Фамилияси, исми, отасининг исми	Туғилган йили	Депутатнинг номзодини кўрсатган органнинг номи, партиёга мансублиги	Эгаллаб турган лавозими	Иш ва яшаш жойи	Сайлов округининг тартиб рақами ва номи
1.	Акбаров Нуман Абдуазизович	1961	Ўзбекистон Халқ демократик партияси, ХДП аъзоси	«Ўзбектелеком» акциядорлик компаниясининг Фаргона филиали директори	Фаргона вилояти, Кўқон шаҳри	93-Кўқон сайлов округи
2.	Ахмедов Аҳад Амириддинович	1964	Ўзбекистон Халқ демократик партияси, ХДП аъзоси	Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси депутати	Тошкент шаҳри, Миробод тумани	35-Қизилтепа сайлов округи
3.	Исмоилов Нурдинжон Мўйдинханович	1959	Ўзбекистон Халқ демократик партияси, ХДП аъзоси	Ўзбекистон Республикаси Президентининг Давлат маслаҳатчиси	Тошкент шаҳри, Мирзо Улуғбек тумани	47-Чортоқ сайлов округи
4.	Камилов Рустам Тўйчиевич	1972	Ўзбекистон Халқ демократик партияси, ХДП аъзоси	Ўзбекистон Халқ демократик партияси Марказий Кенгаши раиси ўринбосари	Тошкент шаҳри, Яшнобод тумани	128-Саноат сайлов округи
5.	Карамова Комила Зайдуллаевна	1960	Ўзбекистон Халқ демократик партияси, ХДП аъзоси	Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси депутати	Тошкент шаҳри, Юнусобод тумани	122-Фузор сайлов округи
6.	Кетмонов Хатамжон Абдурахмонович	1969	Ўзбекистон Халқ демократик партияси, ХДП аъзоси	Ўзбекистон Халқ демократик партияси Марказий Кенгаши раиси	Андижон вилояти, Андижон шаҳри	11-Бўз сайлов округи
7.	Киргизбаев Абдугаппор Каримжоневич	1962	Ўзбекистон Халқ демократик партияси, ХДП аъзоси	Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси депутати	Тошкент шаҳри, Учтепа тумани	49-Янгиқўрғон сайлов округи
8.	Мамаджанов Шухрат Муратович	1979	Ўзбекистон Халқ демократик партияси, партиясиз	Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигининг Жиноий, маъмурий ва ижтимоий қонунчилик бошқармаси бошлиғи	Тошкент шаҳри, Мирзо Улуғбек тумани	127-Қорақамиш сайлов округи
9.	Обиджонов Бахромжон Анваржоневич	1970	Ўзбекистон Халқ демократик партияси, ХДП аъзоси	«Фаргона ҳақиқати» ва «Ферганская правда» газеталари бош муҳаррири	Фаргона вилояти, Олтиариқ тумани	96-Олтиариқ сайлов округи
10.	Рахматов Саттор Нейматович	1973	Ўзбекистон Халқ демократик партияси, ХДП аъзоси	Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси депутати	Тошкент шаҳри, Мирзо Улуғбек тумани	119-Чироқчи сайлов округи
11.	Рўзметов Хайрулло Ибадуллаевич	1964	Ўзбекистон Халқ демократик партияси, ХДП аъзоси	Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси депутати	Тошкент шаҳри, Яққасарой тумани	111-Шовот сайлов округи
12.	Саъдуллаев Дилмурод Сафохонович	1983	Ўзбекистон Халқ демократик партияси, партиясиз	Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги бошқармаси бошлиғи	Тошкент шаҳри, Олмазор тумани	53-Иштихон сайлов округи
13.	Тумишова Аксавли Молдағалиевна	1965	Ўзбекистон Халқ демократик партияси, ХДП аъзоси	Зарафшон шаҳридаги 9-умумий ўрта таълим мактаби директори	Навоий вилояти, Зарафшон шаҳри	36-Зарафшон сайлов округи
14.	Турғунов Собитхон Тошпўлатович	1965	Ўзбекистон Халқ демократик партияси, ХДП аъзоси	Наманган вилояти халқ таълими бошқармаси бошлиғи	Тошкент шаҳри, Шайхонтоҳур тумани	42-Косонсой сайлов округи
15.	Турсунбаев Шухрат Мирайимович	1970	Ўзбекистон Халқ демократик партияси, ХДП аъзоси	Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси депутати	Тошкент шаҳри, Олмазор тумани	83-Паркент сайлов округи
16.	Умаров Ёқуб Дониёрович	1972	Ўзбекистон Халқ демократик партияси, ХДП аъзоси	«Асакабанк» давлат акциядорлик тижорат банки департаменти бошлиғи	Тошкент шаҳри, Юнусобод тумани	59-Пайариқ сайлов округи
17.	Умаров Фарход Бақоевич	1977	Ўзбекистон Халқ демократик партияси, ХДП аъзоси	Бухоро вилояти ҳокимлиги Молия бошқармаси бошлиғи	Бухоро вилояти, Когон тумани	24-Ибн Сино сайлов округи
18.	Уринбоев Аваз Рустамович	1978	Ўзбекистон Халқ демократик партияси, ХДП аъзоси	Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий фаолият миллий банки Фаргона вилояти бўлими бошқарувчиси	Фаргона вилояти, Олтиариқ тумани	103-Бувайда сайлов округи
19.	Худойбергенов Салаватдин	1973	Ўзбекистон Халқ демократик партияси, ХДП аъзоси	Қорақалпоғистон Республикаси адлия вазири	Тошкент шаҳри, Яшнобод тумани	5-Хўжайли сайлов округи
20.	Эшматова Феруза Фарходовна	1979	Ўзбекистон Халқ демократик партияси, ХДП аъзоси	Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университети доценти	Тошкент шаҳри, Мирзо Улуғбек тумани	120-Шахрисабз сайлов округи
21.	Юнусова Алия Тўйгуновна	1961	Ўзбекистон Халқ демократик партияси, ХДП аъзоси	Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси депутати	Тошкент шаҳри, Мирзо Улуғбек тумани	77-Ангрен сайлов округи

ЎзХДП номзодларига овоз беринг!

Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси қарорига асосан Олий Мажлис Қонунчилик палатасига сайлов ўтказувчи 22 округда 2015 йил 4 январь куни такрорий овоз бериш ўтказилади. Мазкур сайлов округларининг 11 тасида Ўзбекистон Халқ демократик партиядан депутатликка номзодлар курашни давом эттиради.

№	Сайлов округи номи	Номзоднинг фамилияси, исми ва отасининг исми	Иш жойи ва лавозими	Номзод кўрсатган органнинг номи
ЖИЗЗАХ ВИЛОЯТИ				
1	30-Дўстлик сайлов округи	Акрамова Зулайхо Абдуразоқовна	Жиззах вилояти архив иши бошқармаси бошлиғи	Ўзбекистон Халқ демократик партияси
Навоий вилояти				
2	34-Навоий сайлов округи	Ашурова Насиба Батировна	Навоий давлат кончилиқ институтининг Иқтисодиёт ва менежмент кафедраси доценти	Ўзбекистон Халқ демократик партияси
САМАРҚАНД ВИЛОЯТИ				
3	52-Булунғур сайлов округи	Арзикулов Саҳобиддин Жиянбоевич	Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси Самарқанд вилоят филиали директори	Ўзбекистон Халқ демократик партияси
СИРДАРЁ ВИЛОЯТИ				
4	67-Оқолтин сайлов округи	Исламова Гулчехра Қодировна	Оқолтин туманидаги 10-умумий ўрта таълим мактаб директори	Ўзбекистон Халқ демократик партияси
СУРХОНДАРЁ ВИЛОЯТИ				
5	71-Жарқўрғон сайлов округи	Норбаев Турсунпўлат Юсупович	«Махалла» хайрия жамоат фонди Сурхондарё вилоят бўлими бошқаруви раиси	Ўзбекистон Халқ демократик партияси
6	72-Қумқўрғон сайлов округи	Азимов Эшдавлат Эшбуриевич	Кумқўрғон иқтисодиёт ва транспорт коллежи директори	Ўзбекистон Халқ демократик партияси
7	74-Денов сайлов округи	Мирзаев Каҳрамон Элмуратович	Ўзбекистон Халқ демократик партияси Марказий Кенгаши Юридик бўлими катта референти	Ўзбекистон Халқ демократик партияси
ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИ				
8	78-Бекобод сайлов округи	Исмаилов Омилхон Шуқуриллаевич	Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университети Иқтисодиёт назарияси кафедраси мудири	Ўзбекистон Халқ демократик партияси
9	89-Дўстобод сайлов округи	Умаралиев Акмалжон Акбаралиевич	Ўзбекистон металлургия ва машинасозлик саноати тармоқлари ходимлари касаба уюшмаси республика Кенгаши раисининг ўринбосари	Ўзбекистон Халқ демократик партияси
ФАРҒОНА ВИЛОЯТИ				
10	98-Марғилон сайлов округи	Эшонкулов Бунёдхон Махамдалиевич	Тошкент шаҳар адлия бошқармасининг Инсон ҳуқуқларини химоя қилиш бўлими бошлиғи	Ўзбекистон Халқ демократик партияси
ҚАШҚАДАРЁ ВИЛОЯТИ				
11	115-Нишон сайлов округи	Қурбанов Илхам Узақович	Қарши магистраль каналдан фойдаланиш бошқармаси бошлиғи	Ўзбекистон Халқ демократик партияси

ЎЗБЕКISTON ХАЛҚ ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИ НОМЗОДЛАРИНИ ҚЎЛЛАБ-ҚУВВАТЛАСАНГИЗ, МАМЛАКАТИМИЗ АҲОЛИСИНИНГ КАМ ТАЪМИНЛАНГАН, ИЖТИМОЙ ЁРДАМГА МУҲТОЖ ҚАТЛАМИ МАНФААТЛАРИ УЧУН ОВОЗ БЕРГАН БЎЛАСИЗ.

ИЖТИМОЙ ҲИМОЯ

Мамлакатимиз иқтисодиёти ривожига муносиб ҳисса қўшиб келаётган Навоий Кон-металлургия комбинати жамоасининг меҳнат ютуқлари кўпчиликлари яхши таниш. Бу ерда ишчи-ходимларнинг ижтимоий муҳофазасига ҳам катта эътибор қаратиб келинмоқда.

Янги йилни янги уйларда кутиб олишади



Ўтган давр мобайнида корхона ходимлари ва уларнинг фарзандларини соғломлаштириш мақсадида сихатгоҳ ва оромгоҳлар, шунингдек, уларнинг бўш вақтларини мазмунли ташкил этиш мақсадида турли спорт майдончалари ва истироҳат боғлари барпо этилди. Якунланаётган 2014 йил комбинатнинг ёш мутахассислари учун янада эсда қоларли бўлди. Чунки йил бошида шинам ва кулай 40 хонадондан иборат кўп қаватли турар-жой биноси фойдаланишга топширилган бўлса, яқинда яна 48 оила кўп қаватли янги уйга кўчиб ўтди.

— Бугун жуда ҳаяжонданаман, — дейди НКМК 2-тиббий санитария бўлими терапевт шифокори Шаҳноза Бўронова. — Ўз уйимизга эга бўлишни орзу қилардик. Бугун ниятимизга етдик. Мана шундай файзли уйни қурганларга ўз миннатдорчилигини билдираман.

Янги уй эгаларининг қай бири билан гаплашманг, ҳаётдан рози эканлиги, эртанги кунга ишончи мустаҳкамлигини англайсиз.

Илҳом САТТОРОВ, «Ўзбекистон овози» мухбири.

ҲАРБИЙ ХИЗМАТ — ОЛИЙ ШАРАФ

«Ватан улуғ, бурчим муқаддас»

Пойтахтимизнинг «Шодлик» меҳмонхонаси анжуманлар залида Ўзбекистон Мудофаа вазирлиги ҳамда Мустақил босма оммавий ахборот воситалари ва ахборот агентликларини қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш жамоат фонди ҳамкорлигида ана шу шиор остида матбуот анжумани ўтказилди.

Ўзбекистон мустақил босма ОАВ ва ахборот агентликларини қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш жамоат фонди раҳбари Абдулазиз Абдуллаев матбуот анжуманини очар экан, Президентимиз томонидан 2012 йил 24 октябрда қабул қилинган қарор асосида Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги ҳузурида тузилган Жамоатчилик Кенгашининг 2014 йилдаги фаолияти тўғрисида атрофлича тўхталиб ўтди.

Ўзбекистон Олий Мажлиси Сенати аъзоси, Мудофаа вазирлиги ҳузуридаги Жамоатчилик Кенгаши раиси, Ўзбекистон халқ шoirи Иқбол Мирзо халқ ва армия яқинлигини таъминлаш, ҳарбий хизмат нуфузини янада ошириш борасида олиб борилаётган ишлар ҳақида фикр юритди.

— 2014 йил давомида Жамоатчилик Кенгаши томонидан салмоқли ишлар амалга оширилди, — дейди Иқбол Мирзо. — Жумладан, таниқли фан арбоблари, ижодкорлар, зиёлилар, маданият, спорт соҳаси вакиллари билан иборат тарғибот-ташвиқот ҳамда ижодий гуруҳлар иштирокида республикамизнинг ҳарбий қисм ва таълим

муассасаларида, корхона ва маҳаллаларда кўплаб учрашувлар ўтказилди. Асосий мақсад — халқимизда, ўсиб келаётган ёш авлод қалбида миллий армиямизга нисбатан фахр-ифтихор туйғусини янада ошириш, Ватанимиз мустақиллигини кўз қорачигидай асрашга йўналтирилган.

Шўро тузуми даврида ота-оналар фарзандларини иложи борича ҳарбий хизматга жўнатмасликка ҳаракат қилишарди. Ҳозир тафаккур, дунёқараш ўзгарди. Эндиликда ота-оналар «Фарзандимни ҳарбий хизматга жўнатсам» деб орзу қилишади. Чунки бугун фарзандларимиз ҳарбий хизматни ўз Ватанимизда ўтайди, ҳарбий хизматни ўтаб қайтганларга бир қатор имтиёзлар ҳам яратилган.

Яқинда бир танишим «Ўғлимни ҳарбий хизматга жўнатганим, кўнглим жуذا безовта бўлаётти. Бориб шароитлари билан танишиб келсак» деди. Бордик. Ҳарбий қисм оқиб, ҳамма жой тартибли, озода. Ўғли билан кўришдик. Ота берилган овқатлар сифатини суриштирдик. Ўғли шароит ва таъминот тўғрисида мамнун бўлиб гапирди. Ота ўзи берган саволдан хижолат

бўлиб, мени секин четга тортиди. «Қаранг-а, ўғлим ҳарбий хизматга келиб, бир ой ичида азамат йигит бўлибди» деди фахр билан.

Миллий армиямиз таъминоти, ҳар томонлама шаклланиши ўз-ўзидан бўлиб қолгани йўқ. Буларнинг ортида Президентимиз кўрсатган йўл-йўриқ асосида босқичма-босқич амалга оширилган ислоҳотлар турлибди. Энг асосийси — армиямиз миллий армияга айланди.

— Бугунги матбуот анжуманида Жамоатчилик Кенгашининг энг фидойи аъзолари иштирок этишяпти, улар билан йил давомида турли хил учрашувлар, конференциялар, таҳлиллар, мониторинглар, ота-оналар билан суҳбатлар ўтказдик, — деди Кенгаши раиси.

Биз тарғибот-ташвиқот ишларини шундай олиб боришимиз керакки, болалар мактаб ёшидан бошлаб «Мен офицер бўламан» деб орзу қилишсин.



Нурилла ОСТОНОВ ёзиб олди.

ТАДБИР

Мустақиллигимизнинг дастлабки кунлариданоқ мамлакатимизда нодавлат нотижорат ташкилотлари ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини ташкил этиш ҳамда улар фаолиятини қўллаб-қувватлаш борасида кенг қўламли ишлар амалга оширилиб келинмоқда. Бугунги кунда бундай ташкилотлар демократик қадриятлар, инсон ҳуқуқ ва эркинликлари, қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш, фуқароларнинг ижтимоий фаоллиги ҳамда ҳуқуқий маданиятини юксалтиришга муносиб ҳисса қўшмоқда.

Кучли давлатдан — кучли фуқаролик жамияти сари

Адлия вазирлигида «Надавлат нотижорат ташкилотлар фаолиятини такомиллаштиришнинг ташкилий-ҳуқуқий асослари» мавзусида ўтказилган матбуот анжуманида шу ҳақда гап борди.

Анжуманда Фуқаролик жамияти шаклланишини мониторинг қилиш мустақил институти, Ўзбекистон нодавлат нотижорат ташкилотлар миллий ассоциацияси ва бошқа қатор ташкилотлар вакиллари ҳамда ОАВ ходимлари иштирок этдилар.

Таъкидланганидек, фуқаролик жамияти институтлари тизимида нодавлат нотижорат ташкилотларини янада ривожлантириш, уларнинг чинакам мустақиллигини таъминлаш, ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш, фаолиятини ташкилий-ҳуқуқий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш муҳим вазифалардан бири саналади.

Ўтган давр мобайнида фуқаролик жамияти институтлари қаторида нодавлат нотижорат ташкилотларининг фаолият кўрсатиши учун мукамал ҳуқуқий база яратилди. Жумладан, Асосий қонунимизга алоҳида «Жамоат бирлашмалари» деб номланган боб киритилиб, уларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини таъминлаш, ижтимоий ҳаётда фаол иштирок этиш учун тенг ҳуқуқий имкониятлар яратиб бериш мақсади билан қўрилган фаолиятини тартибга солувчи қонунлар ва қонуности ҳужжатлари қабул қилинган.

Тадбирда нодавлат нотижорат ташкилотлари фаолияти самарадорлигини янада ошириш, уларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари юзасидан ҳам фикр алмашилди.

Матбуот анжуманида журналистлар ўзларини қизиқтирган саволларга атрофлича жавоб олишди.

Равшан ШОДИЕВ

РЕКЛАМА

Qishloq Qurilish Bank

ҳамюртларимизни, банк акциядорлари ва мижозларини кириб келаётган 2015 йил — Кексаларни эъзозлаш йили билан муборакбод этади!

Она Ватан равнақи, юрт тинчлиги, халқ фаровонлиги йўлидаги эзгу ишларингизда ҳамиша омад ёр бўлсин!

Фурсатдан фойдаланиб, қуйидаги муддатли омонат турларини таклиф этамиз:

- «КОМУС» — омонатга маблағлар 3 ойга қабул қилинади.
«БАРАКАЛИ МАВСУМ» — омонатга маблағлар 2-6 ойга қабул қилинади.
«ФАЙЗЛИ» — омонатга маблағлар 4-6 ойга қабул қилинади.
«ЯХШИ НИЯТ» — омонатга маблағлар 12-24 ойга қабул қилинади.

Ушбу омонатларга қабул қилинган маблағлар учун ҳисобланган фоизлар ҳар ойда тўлаб борилади.

«ТАЛАБА» — омонатга маблағлар 14 ойга қабул қилинади ва ҳисобланган фоизлар ҳар 3 ойда тўлаб борилади.

Қуйидаги омонат турлари намунавий лойиҳалар асосида қурилатган уй-жойларни олувчи фуқароларни қўллаб-қувватлаш мақсадида жорий қилинган:

- «МАДАД» — маблағлар 12 ойдан кам бўлмаган муддатга қабул қилинади.
«ХОНАДОН» — маблағлар 1 йилдан ортиқ муддатга қабул қилинади.
«ҚУРИЛИШГА БОШЛАНГИЧ БАДАЛ» — муддати — 1 йил.

Барча омонатлар Фуқароларнинг банклардаги омонатларини кафолатлаш фонди томонидан кафолатланади.

СИЗНИНГ ОМОНАТИНГИЗ:

- солиқ ва мажбурий тўловлардан озод;
маълумотлар сир сақланиши тўлиқ кафолатланади;
эгаллик ва тасарруф ҳуқуқи ўз ихтиёрингизда;
миқдори чекланмаган.

Мурожаат учун телефонлар: (+99871) 150-76-53, 150-39-93. www.qqb.uz

ҚИШЛОҚ ҚУРИЛИШ БАНК — ФАРОВОН ҲАЁТИНГИЗ ХИЗМАТИДА!

Хизматлар лицензияланган.

ЎЗБЕКISTON РЕСПУБЛИКАСИ ТАШҚИ ИҚTISODИЙ ФАОЛИЯТ МИЛЛИЙ БАНКИ

Ўзбекистон аҳолисини Янги — 2015 йил билан табриклайди ва миллий валютада янги муддатли омонат амалга киритилганлигини маълум қилади:

«ҚИШ ЗИЙНАТИ»

- Сақлаш муддати — 3 ой.
Омонатга қўшимча бадаллар 1 000 000 сўмдан кам бўлмаган миқдорда фақат нақд пулда қабул қилинади.
Ҳисобланган фоизлар омонат муддати тугагандан сўнг тўланади.
Омонатга маблағлар қабул қилиш 2014 йил 31 декабрга қадар амалга оширилади.

ЖАМФАРМАЛАРИ БОШҚАРИЛИШНИ БИЗГА ИШОНИБ ТОПШИРГАНЛАР ФАРОВОНЛИГИ УЧУН ЎЗИМИЗНИ МАСЪУЛ ДЕБ ҲИСОБЛАЙМИЗ!

Қўшимча маълумотларни 235-42-83, 234-14-14 телефонлари орқали ёки банкнинг исталган бўлими/филиалидан олиш мумкин. www.nbu.com

Хизматлар лицензияланган.



Ҳамкорлик ишимизга барака келтирди

Ноира МИРАҲМЕДОВА, «Фаол захматкаш» тайёрлов савдо корхонаси раҳбари (Сирдарё вилояти, Гулистон тумани): — Мен бир неча йилдан буён «Микрокредитбанк» акциядори ва мижозиман. Дастлаб банкдан 10 миллион сўм кредит олиб, нон ва қандолат маҳсулотлари ишлаб чиқаришни йўлга қўйдим. Шундан сўнг банкнинг 20 миллион сўм кредити эвазига «Дамас» автомашинаси олиб, иш фаолиятимизни янада кенгайтирдик.

Ҳозир корхонамизда 15 нафар ишчи меҳнат қилмоқда. Кўплаб танловларда ғолиб ва совриндор бўлдим. Маҳсулот турларини кўпайтириш ва янги иш ўринлари яратиш ҳаракатидамиз.

Гулнора РЎЗИЕВА, (Навоий вилояти, Учқудук тумани): — Бундан бир неча йил муқаддам «Рўзихўжа» хусусий корхонасини ташкил этганим. Ўтган давр мобайнида «Микрокредитбанк» билан ҳамкорлик қилиб кам бўлмадик. Банкнинг ишбилармонлигини ривожлантиришга қаратилган турли хил кредитларидан мақсади фойдаланиб, фаолиятимизни кенгайтириб бораёямиз. Хусусан, 2009 йилда банкнинг 41 миллион сўм кредит маблағи ҳисобига хориждан тузни

қайта ишлаш ускунаси харид қилдик. Ўтган йили эса 98 миллион сўм сармоя эвазига тузни қадоклаш технологиясини келтирдик. Ҳозир кунига 3 тоннагача ош тузини қайта ишлаб, йодлаб, қадокляемиз. Ўтган йили истеъмолчиларга 150 тонна йодланган ош тузи етказиб бердик. Бу йил эса бу кўрсаткични 200 тоннага етказиш ниятидамыз. Шу билан бирга, корхонамиз қошида ташкил этилган нон ва нон маҳсулотлари ишлаб чиқариш цехимизда ҳам иш қизғин.

Баҳодир ШАРИПОВ, (Сурхондарё вилояти, Узун тумани): — Мамлакатимизда кейинги йилларда банк тизимининг такомиллаштирилиши нафақат молия муассасалари ва мижозлар ўртасидаги ҳамкорликни мустаҳкамлаётти, балки одамларнинг тадбиркорлик қобилиятини юзага чиқариб, даромадларини кўпайтиришга, уларнинг жамиятдаги ижтимоий фаоллигини оширишга ҳам хизмат қилаётти.

Мен ҳам ўтган йил бошида академикларимни ёнимга олиб, оилавий тадбиркорликни йўлга қўйдим. «Микрокредитбанк»нинг 50 миллион сўм кредити ҳисобига замонавий ускуналар харид қилиб, макарон маҳсулотлари ишлаб чиқаришни бошладим. Маҳсулотларимиз тури ўнtagа етди, мижозларнинг эса кети узилмаётти. Қолаверса, даромадимиз ҳисобидан туманимиздаги кам таъминланган оилаларга моддий ёрдам кўрсатяёмиз. Ишларимиз шу зайдда ривожланса, олган кредитимизни ҳам бемалол муддатидан олдин қайтарамиз.

Мухтасар айтганда, «Микрокредитбанк» томонидан тадбиркору ишбилармонларга, мижозларга ажратилаётган кредитлар аҳоли бандлигини таъминлашга ва фаровонлигини оширишга хизмат қилмоқда.

Алишер РЎЗИЕВ, «Ўзбекистон овози» мухбири.

«Ипотека-банк» АТБЕ «Ўзбекистон овози» газетасининг 2014 йил 25 декабрь, 154-сонда берилган эълондаги «Kataq atex» МЧЖнинг бошланғич баҳоси 19 523 000 000 сўм деб ўқилишини маълум қилади.

Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳузуридаги Врачлар ва фармацевтларга лицензия бериш ҳамда аттестациядан ўтказиш республика марказининг директори Ахром Яқубовга падари бузруквор! БАҲРОМ отанинг вафоти муносабати билан чуқур таъзия илхор этамиз. Бир гуруҳ дўстлари.



ФАРФОНА НЕФТНИ ҚАЙТА ИШЛАШ ЗАВОДИ ЖАМОАСИ

барча ҳамюртларимизни
яқинлашиб келаётган
Янги — 2015 йил билан
табриклайди.

Ватанимиз осмони ҳамиша
мусаффо, бунёдкор халқимиз
ризқи тўкин бўлсин,
юртдошларимиз хонадонларидан
қут-барака аримасин.

Янги йилда яхши ният билан
бошлаган ишларингиз
ҳамиша бароридан келсин!



MUASSIS:

O'ZBEKISTON
XALQ DEMOKRATIK
PARTIYASI
MARKAZIY KENGASHIBosh muharrir: **Safar OSTONOV**

TAHRIR HAY'ATI:

Abdulla ORIPOV	Ulug'bek	Saidahmad RAHIMOV
Hotamjon KETMONOV	MUSTAFOYEV	Farrux HAMROYEV
Ulug'bek VAFOYEV	Muslihiddin	(Bosh muharrir birinchi o'rinbosari)
Rustam KAMILOV	MUHIDDINOV	Tat'yana KISTANOVA
Sharbat ABDULLAYEVA	Ochilboy RAMATOV	(Bosh muharrir o'rinbosari)

Qabulxona — 233-65-45

Xatlar va murojaatlar uchun — 233-12-56

E-mail: info@uzbekistonovozi.uzMANZILIMIZ:
100000, Toshkent,
Matbuotchilar
ko'chasi, 32-uy.Gazeta O'zbekiston Matbuot va axborot
agentligida 0006-raqam bilan
2007-yil 11-yanvarda ro'yxatga olingan.«Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi bosmaxonasida chop etildi.
Korxonaning manzili: Buyuk Turon ko'chasi, 41-uy.
Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosildi. Hajmi 2 bosma taboq.Gazeta seshanba, payshanba va
shanba kunlari chiqadi.
«O'zbekiston ovozi» materiallarini
ko'chirib bosish faqat tahririyat
ruxsati bilan amalga oshiriladi.Г — 1259
12489
nuxxada
bosildi.Nashr ko'rsatkichi — 220
t — Tijorat materiallari
O'ZA yakuni — 23.30
Topshirilgan vaqti — 00.20

Sotuvda kelishilgan narxda

Navbatchi:
Mirbaxtiyor MIRFAZIYEV
Sahifalovchi-dasturchilar:
Zafar BAKIROV
Behzod ABDUNAZAROV

1 2 3 4 5 6